Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 11 DEKABR ◆ SESHANBA ◆ № 147 (26.849)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши кураш ҳамда Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни давом эттираётган халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаши борасида шахсан Сиз кўрсатаётган саъй-ҳаракатларни юксак қадрлайман. Ўзбекистонда АҚШ қуролли кучларининг муайян қисмини қабул қилиш ҳақидаги қарорингиз амалга ошираётган ишимизга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Вазифамиз осон эмас, муваффақиятга эришмоғимиз учун вақт керак. Аммо биз биргаликда барибир ўз мақсадимизга етамиз.

Айни пайтда биз асосий эътиборни террорчиликка ва уни қўллаб-қувватловчи кучларга қарши ҳамкорликда курашга қаратаётган бўлсак-да, мен, Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришимиз лозим, деган қатъий фикрдаман. Ўзбекистон демократия ҳамда мамлакат иқтисодиёти ва институтларини эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотлар асосида суверенитети мустаҳкамланиб, қудрати ва фаровонлиги ошиб бораётган давлат сифатида ривожлангани сари, биз халқингиз учун улкан сиёсий ва иқтисодий эркинликларни таъминлаш мақсадида Сизни ҳар қадамда қўллаб-қувватлайверамиз. Шу билан бирга, бошқа қудратли давлатлар учун ўз уйидек бўлиб қолган минтақангизда том маънода мустақил сиёсат юритиш учун қарорлар қабул қилишингиз осон эмаслигини яхши англаймиз. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Азимов раҳбарлигидаги делегациянинг ўтган ҳафта Вашингтонга буюрган самарали ташрифи чоғида маъмуриятимиз аъзолари бу борада аниқ ва ошкора баёнот берди.

Ўзаро ҳамкорлигимиз кенгайгани сари Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистонга ёрдами ҳам кўпайиб бораверади. Маъмуриятимиз бу йил Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни икки томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган ёрдам ҳажмини уч баробар оширишни мўлжалламоқда. Биз мамлакатингизнинг иқтисодий ислоҳотлар дастурини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Чунки бу дастур Ўзбекистонда ишончли иқтисодий пойдевор барпо этишга ёрдам беради ва халқаро молия институтларининг кенг ва самарали ҳамкорлиги учун йўл очади.

Биз Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз. Сизнинг Термиздаги Дўстлик кўпригини очиш тўғрисидаги қарорингизни маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Бу қадам оғир аҳволда қолган афғон халқига ёрдам бериш борасидаги қатъиятингизни бутун дунёга намойиш этади. Халқаро инсонпарварлик ташкилотлари ходимларининг Термизга келиб-кетишини осонлаштириш орқали, Сиз Афғонистонни тиклаш бўйича халқаро коалициянинг саъй-ҳаракатлари доирасида Ўзбекистоннинг етакчилик мавқеини янада мустаҳкамламоқдасиз.

Бундай муҳим ишда АҚШ ва унинг халқаро коалициядаги шерикларини қўллаб-қувватлаш борасидаги тарихий қарорингиз учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этаман. Бу масалаларни шахсан Сиз билан яқин ойларда Америка Қўшма Штатларида муҳокама қиламиз, деган умиддаман.

Эҳтиром ила,

**Жорж БУШ,**
**АҚШ Президенти**

## ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ:

## ҲАМКОРЛИК УЗОҚ МУДДАТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 декабрь куни Оқсаройда амалий ташриф билан мамлакатимизга келган АҚШ Давлат котиби Колин Пауэллни қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, Афғонистонда давом этаётган аксилтеррор операцияси ва томонларни қизиқтирган кўплаб бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, томонлар демократияни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, матбуот эркинлигига оид масалаларни ҳам муҳокама қилди. Музокара якунида мамлакатларимиз ўртасида халқаро миқёсдаги кўпгина масалалар юзасидан, жумладан, аксилтеррор операциясининг бориши ва натижалари борасида ўзаро ҳамфикрлик мавжудлиги таъкидланди.

АҚШ Давлат котиби самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга мамлакатимизнинг халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаётгани учун ташаккур изҳор этиш учун келганини айтди. Колин Пауэлл давлатимиз раҳбарига АҚШ Президенти Жорж Бушнинг мактубини топширди. Унда Ислом Каримовга табрик ва салом йўлланган, шунингдек, Вашингтонда учрашиш умиди билдирилган.

Учрашувдан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Ислом Каримов бу таклифни мамнуният билан қабул қилишини, Вашингтонда нафақат Президент Ж.Буш, балки Конгресс вакиллари, ишбилармонлар, умуман, Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига дахлдор доиралар вакиллари билан учрашажагини таъкидлади ва айни пайтда ўзаро алоқалар ҳар томонлама ва изчил ривожланишидан умид қилишга асос етарли эканини қайд этди.

Меҳмон Афғонистондаги терроризм ўчоқларини таг-томири билан йўқотишда, жафокаш афғон халқига инсонпарварлик ёрдамини етказиб беришда ва умуман халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистон изчиллик билан фаолият юритаётганини алоҳида таъкидлади. Шу боис биз Ўзбекистон билан кўп томонлама, жумладан, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни янада яхшилаш ва кенгайтириш ниятидамиз, деди К.Пауэлл.

Таъкидландики, учрашувда минтақамиздаги гуманитар вазият ҳам таҳлил этилган. Ислом Каримов Афғонистон аҳолисига ёрдам сифатида келаётган юкларнинг манзилга боришини тезлаштириш учун Дўстлик кўприги очилишини маълум қилди. Махсус ҳукумат комиссияси чегара ва божхона хизматларининг таянч нуқталари, умуман, чегарадаги кўприкка хос инфратузилма қай даражада шакллантирилганини текшириб кўриб, яқин кунларда расмий қарор қабул қилади. К.Пауэлл бунинг учун Ўзбекистон ҳукуматига алоҳида миннатдорлик билдирди ва Дўстлик кўпригининг очилиши катта сиёсий аҳамиятга молик воқеа бўлишини таъкидлади.

Матбуот анжуманида шу кунларда кўп учраётган бир саволга аниқ жавоб қайтарилди. Маълумки, кўпгина кузатувчилар, сиёсий шарҳловчилар АҚШнинг Ўзбекистон ёки бошқа бирор мамлакат билан муносабатлари вақтинча яхшилангани, аксилтеррор операцияси ниҳоялагач бу илиқлик барҳам топишини айтмоқда. Шу боис таъкидландики, Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат манфаатларига мос тарзда узоқ муддатли асосга қурилмоқда. 11 сентябрдан кейин тубдан ўзгараётган муносабатлар тактикавий зарурат эмас, ҳаёт тақозосидир.

■ **(ЎзА)**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

## ПРЕЗИДЕНТ АВСТРИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Австрияга жўнаб кетди.**

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари учун интервью берди.

— Австрия Европанинг марказида жойлашган, сиёсий ва иқтисодий салоҳияти билан халқаро майдонда катта обрўга эга мамлакатдир, — деди Президент. — Австрияга илк бор 1992 йилда сафар қилган эдик. Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган тўққиз йил давомидаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий алоқаларимизда ҳамиша ўзаро ишонч руҳи ҳукмрон бўлиб келди. Зеро, шу ўтган давр ичида Австрия ҳукуматининг ҳам обрўли делегациялари икки-уч марта юртимизда меҳмон бўлди. Мазкур ташрифлар, табиийки, давлатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда, хусусан, хавфсизлик ҳамда террорчиликка қарши кураш борасида ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган эди.

Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка тўхталадиган бўлсак, бу жабҳада ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир юртимизда австриялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ўттизга яқин қўшма корхона ишлаб турибди. Австриянинг ўндан ортиқ машҳур компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шундай бўлса-да, ўзаро савдо-сотиқ ҳажми икки томонни ҳам қониқтира олаётгани йўқ. Бошқача айтганда, иқтисодий алоқаларимиз кутилган даражада бўлмаяпти. Ваҳоланки, ўзаро товар айирбошлаш миқдорини икки-уч баробарга кўпайтириш учун икки томонда ҳам имконият етарли.

Давлатимиз раҳбари бу галги ташриф давомида иқтисодий ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилишини қайд этди.

Бу галги ташриф давомида бир неча ҳужжат имзоланиши кўзда тутилмоқда. Улар транспорт, сайёҳлик, таълим соҳаларини қамраб олади.

Давлатимиз раҳбари ушбу ташриф Ўзбекистон — Австрия муносабатларида янги саҳифа очажагини алоҳида таъкидлади.

■ **(ЎзА)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

## МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

**Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шарт-шароит яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2002 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Муборак ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг жойлардаги бўлинмалари вакиллари иштирокида кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда тузиш, мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш масъулияти Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита уларга ёрдам кўрсатиши эътиборга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (З.Мирхўжаев) Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1482 (бир минг тўрт юз саксон икки) АҚШ долларини имтиёзли алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўм маблағларини жойларда йиғиб олиш ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Миллий банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори ҳамда ҳаж зиёратчиларига хизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳининг сафар харажатлари банклараро савдо сессияларида хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида ўрнатиладиган эркин курс бўйича эркин муомаладаги валютага конвертация қилинсин. Конвертация қилиш чоғида улар воситачилик йиғимларидан озод этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоб рақамлари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

5. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (А.Рўзметов) 2002 йил февраль-март ойларида зиёратчиларнинг ҳаж сафарига бориб келишлари учун қулай шароит яратиш, Тошкент-Жидда-Тошкент йўналишидаги авиачипталарнинг нархини арзонлаштириш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни кўрикдан ўтказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов), Давлат божхона қўмитаси (Ў.Комилов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгиласинлар.

9. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти, талаблари, муддати ва уни амалга оширишнинг тартиб-қоидалари ҳамда унинг якунлари кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 7 декабрь

**ЁШЛАР ЭЪТИРОФИ**

## ОСОЙИШТА ТОНГЛАР САОДАТИ

*Бобом доимо дастурхон бошида «юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин» деб дуо ўқийдилар... Албатта, бу ниятнинг замирида менинг ҳаётим, келажагимга тааллуқли ҳикмат бор.*

*Мен шу заминда туғилдим, ўсдим, вояга етдим. Билим уфқимни кенгайтириш, бойитиш учун ўқимоқдаман. Хўш, буларни бобом ўқиган дуога қандай боғлиқлиги бор?*

*Боғлиқлиги шундаки, Ўзбекистон юксалмоқда, жаҳон айвонида ўзини турли жабҳаларда кўрсатаяпти. Буларнинг асоси — тинчликдир.*

*Бир ўйлаб кўринг, биз илм-маърифат сирларини ечишга интилмоқдамиз. Буларнинг барчаси юртимиз тинчлиги, осойишталигидан эмасми?*

*Биз тинчлик, осудалик барқарор, ҳур Ўзбекистонда, чин саодат соҳилида яшамоқдамиз. Унинг тинчлиги бизга ҳам нечоғлиқ боғлиқлигини ўзимиз ҳис қилайлик. Тинчлик ва барқарорлик йўлидан оғишмайлик.*

■ **Гулноза ТУРҒУНБОЕВА, ЎзМУ журналистика факультети 1-курс талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори**

**ВОҚЕА ЖОЙИДАН РЕПОРТАЖ**

## ҲАЙРАТОН КЎПРИГИ ТИНЧЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Афғонистон қадимий, шунинг баробарида кўп қавм ва элатлардан ташкил топган юрт. Бу юртда Саур инқилобидан сўнг, айтишларича, беш миллиондан кўпроқ одам уйларини ташлаб, жонларини сақлаб қолиш умидида ён-атрофдаги давлатларга — Покистон, Эрон ва ундан нари — Араб мамлакатларига хижрат қилдилар. Давом этган урушлар натижасида 1,5 миллиондан кўпроқ одам ҳалок бўлган.*

*Хуллас, шу тариқа мамлакат сиёсий гуруҳларга бўлиниб, уруш — мамлакат халқининг асосий «касб-кори»га айланиб кетар даражада издан чиқиб кетган эди. Мен Ҳайратон шаҳрида ва Мозори Шариф яқинидаги ўнлаб қишлоқлар, жумладан, Яккаюз, Тақиртепа, Жайратон, Бўриябош каби овулларда ажаб манзараларнинг гувоҳи бўлдим.*

*Хароб, ифлос, қаровсиз кўчалардаги баққолларнинг дўконлари очиқ бўлиб, пули бор одамлар у-бу харид қилишар ва худди шу тобда соқол қўйган ёшгина йигитлар қўлларидаги автоматларининг соз-нософлигини шақир-шуқурлатиб текшириб кўришар ва бу ҳолга ҳеч ким ажабсиниб қарамасди.*

*Бизни ўраб олган бир тўп афғон болаларидан нигоҳимни узолмайман. Қишнинг изғиринли шамоли эсса-да, аксарият болаларнинг оёқлари яланг эди.*

*— Унинг исми Абдуллоҳ, — дейишди кичкинагина болани кўрсатишиб. — Отаси урушга бормагани учун толиблар отиб ташлашган.*

*Уст-боши бир алфозда дилдираб турган Абдуллоҳнинг кўзларидаги ғам-аламни ёзиш, таърифлаш қийин.*

*— Мактабда ўқийсанми? — сўрайман ундан. У кўзларини пирпиратиб: — Ҳа, бешинчи синфда ўқияпман, — деди. — Фақат бир ой озодмиз, таътилдамиз.*

*Ҳа, ҳозир мактаб ўқувчилари таътилда экан.*

*Афғонистонда йил ўн икки ой ўқиш бўлиб, фақат Рамазон ойида бир ой таътил берилар экан.*

*Ҳайратонда бор-йўғи иккита мактаб, шунча шифохона бор. Мактабларнинг бирида ўғил болалар, бирида қиз болалар ўқитилади. Бу ерда касалхоналар ҳам худди мактабдагидек: аёллар алоҳида, эркаклар учун алоҳида жой ажратилган экан.*

*Сира тушуниб бўлмайди: толиблар мактаблар тугул, касалхоналарни ҳам ёпиб қўйишган экан. Халқ ўқимасин, бемор бўлса даволанмасин! Бу қандай разолат? Разолат деймизу толибларнинг фарзандлари учун алоҳида мактаблар фаолият кўрсатган. Бутун халққа телевизор кўришни таъқиқ этган бўлсалар-да, ўзлари телевизор тугул, видеоларгача кўришар экан.*

*Ана энди бу ҳолни қандай баҳолашни ўзингиз ўйлаб кўраверинг.*

*— Менинг исмим Омонулло, — дейди асли Мозори шарифлик эллик ёшлардаги киши. — Етти нафар фарзандим бор. Болаларимнинг энг каттаси йигирма бешда. Аммо, болаларим туғилгандан буён тинч-тотув яшаганимизни эсломаймиз. Доим қўрқув, ҳадик билан кун ўтказдик. Камбағаллик, йўқчилик қурсин. Толиблар одамларга кўп азоб беришди. Яшириниб яшадик. Аммо, Ўзбекистон халқидан, йўлбошчиларингиз Ислом Каримовдан бир умр миннатдормиз. Неча йиллардан буён бизнинг юртдаги нотинчликни бартараф этиш учун жон куйдириб келаётганлари ва биз учун қўлларидан келган ёрдамини аямаётганини кўп эшитамиз. Илоё, дунё тургунча турсинлар. Қўни-қўшничилигимиз яна мустаҳкамлансин, бизнинг юртда ҳам тинчлик ўрнатилса, иншооллоҳ одамларимиз бахтли яшайдилар.*

*2001 йил. 9 декабрь. Бу санани тарихий кун десак, хато бўлмас. Негаки, мамлакатимизнинг ён қўшниси бўлган Афғонистон билан Ватанимизни боғлайдиган, кейинги йиллардаги сиёсий беқарорлик туфайли ёпиб қўйилган Термиз — Ҳайратон дўстлик кўприги очилди.*

*Азим Амударё устида бунёд этилган Термиз—Ҳайратон кўпригининг очилишини нафақат икки соҳилдаги дўсту биродар ўзбек, афғон халқлари, балки тинчликсевар дунё жамияти зўр кўтаринкилик билан кутиб олди. Ана шу муносабат билан Амударёнинг ўнг соҳилидаги «Ҳайратон» божхона мажмуасида митинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири Р. Ҳайдаров, Афғонистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Саман Ҳашам, БМТнинг Ўзбекистондаги мувофиқлаштирувчиси Майкл Жонсон сўзга чиқиб, кўприкнинг очилиши афғон тупроғидаги уруш туфайли узилиб қолган дўстлик ришталарини қайтадан боғлаганини айтди. Бу хайрли иш Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилди.*

*Шу куни «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясига тегишли поезд Ҳайратонга жўнатилди. Унда 800 тоннадан зиёд инсонпарварлик юклари: озиқ-овқат, кийим-кечак ва қурилиш материаллари бор эди. Ана шу юкларнинг 25 тоннаси Франция мамлакатига тегишли бўлса, бир қисми Ўзбекистон халқининг афғон биродарларимиз учун жўнатган ёрдам юклари эди. Шу куннинг ўзида Термиз дарё порти орқали ҳам қарийб 200 тоннага яқин юк баржада Ҳайратонга ўтказилди ва шу пайтгача Термиз орқали 2200 тоннадан кўпроқ инсонпарварлик юклари Афғонистонга олиб ўтилди. Бу юклар АҚШ, Англия, Франция каби мамлакатлардан Афғонистонга инсонпарварлик юклари сифатида жўнатилди. Бу ишда бевосита республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи иш олиб бораётгани ва БМТнинг кузатувчи сифатида иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.*

*Дарвоқе, яна бир гап: шу куни Ҳайратонда Муҳаммад Эҳсон деган бир афғон йигити юрагидаги туйғуларни яшира олмади:*

*— Кўприк очилгани ҳаммамизни шод қилди. Кўприкнинг нариги томони Ўзбекистон — сизларнинг юртингизда кун-кунора тўй бўлади. Шу даражада яқин қўшнимизки, кечалари тўйлардаги шўх куй-қўшиқлар саси бизга бемалол эшитилиб туради. Юртимизни толиблар эгаллагач, бизда тўйлар ҳам бўлмай қолди. Бир куни тўйни соғинганимдан дарё соҳилига бордим. Қамишзор ичига кириб, сизлар томондан келаётган тўйдаги куй-қўшиқларни йиғлаб туриб, яшириниб эшитдим. Дилим бир эзилди, юрагим бир куйди. Оллоҳимга нола қилдим: «Биз мардумларга ҳам тўй-томошали кунларни ато этгил» деб.*

*Афғонистондан қайтар эканмиз Ўзбекистон телевидениеси журналистларидан бири Жўрақул Турсунов яхши гап айтиб қолди: —Юртбошимиз Ислом Каримовнинг тинчлик йўлидаги олиб бораётган сиёсатлари нечоғлик улуғ ва савобли эканлигини бу юртда ҳам яхши билишар, қадрлашар экан. Юртимиздаги тинч-тотувликдан ҳам ортиқ бахт йўқ—шундай эмасми?!*

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири Термиз-Ҳайратон-Термиз**

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

# МАЪРИФАТ БЎСТОНИ

Аслида бу ёруғ оламда ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Барча туйғуларнинг теран илдизлари бор. Фақат уларни қалб кўзи билан кўриб, юрак билан тингламоқ керак. Мозий бизга сабоқ, мозий бизга келажак, мозий улкан хотиротлар манзили. Унинг ҳар бир ғишти, зарра тупроғи сир-синоатлар билан тўлиб-тошиб ётибди.

Бу йўлда изланаётган ватандошларимизнинг борлиги кишини қувонтиради. Самарқанд давлат университетининг бош ўқув биноси фойеси деворларида таълим тизими, илм ва маърифат тарихидан ҳикоя қилувчи «Маърифат бўстони: кеча, бугун ва келажак жилолари» мавзуидаги бадиий рангтасвир асари фикримизнинг далилидир.

Ушбу монументал асар 192 кв. метр майдонни эгаллайди. У тузилиши жиҳатидан қуйидаги қисмлардан иборатдир: 1. Мозийдан келур бир садо... 2. Улуғбек юлдузлари. 3. Ғазал мулкининг султони. 4. Ҳурфикрлилик. 5. Мустақиллик — орзулар рўёби.

Мозий қаъридан келаётган садога бир зум қулоқ тутмоқ илинжида суратларга тикиламан. Садони тинглаш, ҳис этиш кўриш туйғулари билан бирлашиб кетади. Юракда ҳаяжон исён қила бошлайди. Бу композицияда эрамиздан аввалги ва темурийлар давлатчилигига қадар бўлган давр тасвирланган.

**Олис-олисларда,**
**йиллар қаърида,**
**Сўзларни уйғотар ўйчан**
**кўзли чол.**
**Қуёшнинг тафти бор**
**юрак қўрида,**
**Сўзларнинг чангидан**
**оқарган соқол.**

Ушбу суратда, шунингдек, IX-X асрнинг улуғ алломалари ал-Хоразмий, ал-Фаробий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино сиймолари яратилган. Улар бизга тикилиб турган чақноқ кўзлари билан ворислик машаққатини тилаётгандай туюлади. Бундан ташқари ушбу бўлимнинг ўнг қисмида ас-Сўфийнинг юлдузлар туркуми, Самонинг қомуслар китобини тақдим қилаётгани тасвирланган. Суғдиёна, Афросиёб деворларига чизилган сурат намуналари, «Авесто»га оид суратлар ўрин олган. Боболаримиз илму маърифатда етишган чўққиларнинг илк поялари кўз олдингизда намоён бўлади.

«Улуғбек юлдузлари» кўкда чақнаган ҳур фикр, озод руҳ, ойдин орзулар галареясидир. Иккинчи композицияда Улуғбек даври билан боғлиқ тасаввурлар, алам, изтироблар бир зум сизни қамраб олади. Ушбу бўлимда илм-маърифат, маданият, темурийлар давлатчилиги, Буюк Ипак йўли, сиёсий-ижтимоий барқарорлик, маърифий ишлар ўз аксини топган. Юқорида коинот юлдузлари фаришта тимсолида берилган. Қайғули Улуғбекни ўша дақиқаларда фариштага айланган юлдузлар покизалик мамлакати — фалакка олиб кетишга шайлангандек, эрта-индин унинг бошига тушадиган офатлардан огоҳ этаётгандай туюлади. Ушбу бўлим кишига ўша давр ҳақида тўлиқ тушунча бера олади. Улуғбек «мамлакати»га ташриф буюрган хорижий элчилар эса кўзларидаги ҳайратни яшира олмайди. Улуғбек ўз ўтмиши, фожиали қисмати билан бизнинг мангу оғриғимиздир.

«Ғазал мулкининг султони» деб аталувчи композиция улуғ Алишер Навоий ҳазратларига бағишланади. Навоийнинг замондошлари Абдураҳмон Жомий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зебунисо тасвирлари берилади. Навоий даври, ундан кейинги замонлар ҳам устоз етган манзил, у эгаллаган чўққи барча шеър ва сўз ижодкорларини ўзига маҳлиё этиб келган. «Хамса»даги образлар эса Навоий орзулари, комил инсон суратига чизгилар эди. Ушбу композиция Шаркда бошланган уйғониш даврини аниқ ифода этган. Камолиддин Беҳзод асарлари ҳамон ҳайрат денгизи узра чайқалиб тургандек. Бобурнинг шеърга ошуфта гўзал хаёли, товусдек товланган сўзлари, узоқ ҳинд сари юзланиши, «ғурбатда ғариб» бўлиб яшагани кўз олдингиздан ўта бошлайди. Айниқса, мушоира тасвири кишини кўнгил кенгликлари томон етаклайди.

«Ҳурфикрлилик» деб номланган композицион сюжет Машраб, Нодира, Увайсий, Маҳзуна сингари ижодкорларга, шунингдек, Ватанимиз тарихидаги драматик, фожиали даврларга бағишланади. Асарда ҳалокатга учраган фаришта орқали ушалмаган орзуларни тасвирлаш мақсад қилиб қўйилган. Ёнаётган Машраб қалбига тикилаётганлар унинг кўксидан тўкилаётган оловни кўрадилар. Уларнинг қисматига тикилиб турган кейинги авлодлар, яъни қатағон қурбонлари юзида изтироб излари муҳрланган. Нодиранинг аянчли қисмати эшик қоқаётгани унинг юзларидаги хавотирда акс этган.

Бадиий паннонинг марказидан ўрин олган композиция «Мустақиллик — орзулар рўёби» деб номланади. Ушбу бўлимни монументалнинг кулминацион нуқтаси дейиш мумкин. Асрларга тенг келадиган истиқлолнинг ўн йили илму маърифат соҳасида ҳақиқий «портлаш эффекти»ни берди. Президентимиз асарлари бизнинг маънавий оламимизга, тафаккуримизга янги бир мусаффо руҳ бағишлайди.

Композиция марказидаги тасвирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ёш авлодни порлоқ келажак сари етакламоқда.

Унда Ўзбекистонни олға етаклаб бораётган қудрат сифатида авлодлар ўртасидаги анъанавийлик, давомийликка алоҳида эътибор қаратилган.

Юрак тошиб кетади. Қалбга меҳмон бўлган ушбу гўзал рангтасвир муждалар олиб келади. Сўз туғила бошлайди. Бир зумда:

**Тахайюл тахтида**
**туғилган туғён,**
**Юрак кўрганларинг учун**
**энди ён!**
**Болам кетаётган манов**
**ёруғ йўл,**
**Тупроғин кўзимга**
**суртсам майлими?**

Ҳаяжон қамраб олган дилимда яна нимадир бордек туюлаверади. Икки оғиз мухтасар дил сўзи деворий рангтасвир муаллифлари Э. Муҳаммадиев ва Н. Султоновларга аталган. Санъатнинг қудрати олдида юрагимни эгаллаган қувонч шу бўлдики, муаллифлар Ўзбекистон Бадиий академиясининг «Юксак бадиий асар учун» олтин медали билан тақдирланишибди. Олтин қўлларингиз бунёд этган ушбу асар миллионлаб қалбларнинг ҳайратига айланиб қолаверсин.

Мақола сўнггида СамДУ ректори Рустам Холмуродовнинг мана бу сўзларини келтириш ўринлидир: «Мазкур монументал рангтасвирлар илм, таълим тизими ва маърифатимиз тарихини бадиий тарзда ифодалаб, ёшларимизни буюк аждодларимизнинг умрбоқий мерослари билан таништиради ва уларни истиқлол даври талаблари асосида ривожлантиришга даъват этади».

■ **Фаррух ҲАМРОЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**





**Университетда академик лицей, математика соҳасига ихтисослашган махсус лицей, ёшларни олий ўқув юртларига кириб ўқишлари учун тайёрлов бўлими, бизнес, маркетинг, менежмент мактаблари мавжуд.**

✧✧✧

**Ҳозирги пайтда 28 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ва 42 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланаяпти.**

✧✧✧

**Университетда 15 факультет бўлиб, 6240 талаба таҳсил олмоқда. 83 кафедра ва ўнлаб лабораторияларда 80 дан ортиқ фан доктори, 427 та фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда.**

✧✧✧

**Жаҳоннинг 50 дан ортиқ тилларида нашр этилган 3 миллион жамғармаси ббр илмий-ўқув кутубхона мавжуд. Шарқ қўлёзмалари бўлимида 11 мингга яқин нодир китоблар ва қўлёзмалар сақланмоқда.**

✧✧✧

**Университет талабалари орасидан 1 та жаҳон чемпиони, 5 та Осиё чемпиони, 60 дан ортиқ Ўзбекистон чемпиони, 2 та жаҳон чемпионати совриндори, 5 та халқаро тоифадаги хизмат кўрсатган спорт усталари етишиб чиқди. 2 нафар талаба эса «Сидней — 2000» олимпиадаси қатнашчисидир.**

✧✧✧

**Олий ўқув юртида 34 йўналиш бўйича аспирантура ва 4 йўналиш бўйича докторантура мавжуд, 1998-99 ўқув йилида 2 та докторлик ва 10 та номзодлик диссертациялари ёқланган бўлса, 1999-2000 йилда 4 та докторлик ва 12 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.**

✧✧✧

**Университетда чет эл фондлари ва элчихоналари имкониятларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Ёш олим Азиз Қосимов Гумбольд фонди стипендианти сифатида Германияда, аспирант Анвар Бўронов эса «Умид» фонди орқали АҚШда таҳсил олди.**

✧✧✧

**Университет халқаро алоқалари кенгаймоқда. Франциянинг «Шарқ цивилизацияси ва тиллар» институти билан ҳамкорлик шартномаси тузилган. Англиянинг Кембриж университети билан «Ўрта Осиё шаҳарлари иқтисодий ва ижтимоий муҳити» мавзуида ҳамда Ридинг университети билан ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган.**

✧✧✧

**Университетда халқаро жамғармалар, Soros, Pedca, Daad фондлари, Тинчлик корпуси, ва АҚШнинг Хаверфорд, Германиянинг Гейдельберг университетлари имкониятларидан фойдаланиб, улар томонидан ажратилган 116000 АҚШ доллари ҳисобидан университет кутубхонаси ўқув адабиётлари билан бойитилган ва чет тилларни ўрганиш маркази жиҳозланган.**

✧✧✧

**1999-2000 йиллар давомида университетнинг 54 нафар профессор-ўқитувчилари Япония, Малайзия, АҚШ, Германия, Франция, Англия, Исроил, Италия университетларида бўлиб, ўз малакасини оширдилар ва халқаро анжуманларда иштирок этдилар.**

# ЧАВАНДОЗЛАР ЮРТИ

**Совуқ ва изғирин шамол этни жунжиктиради. Борлиқ узра зумрад қиш ойи ҳам бошланди. Пешонасидаги қийиқни тушириб белига боғлаган, яғриндор ўзбек энди тулпорига қамчи босиб, кўпкарига ошиқади.**

**Қиш фаслидаги ҳақиқий спорт ўйини ҳам худди ана шу кўпкари. Ҳам қувнайсан, дам оласан, ҳам чиниқасан. Бу ўйиннинг ўзига хос ўзбекона фазилат ва хислатлари бисёр.**

**Совринларни айтмайсизми?! Қўй-қўзи, эчки-улоқ, сигир-бузоқ, от ва туя. Эҳе... Нурота ва Молгузар тоғлари тизмалари этакларида истиқомат қилаётган, кўпкари чопаётган Холбўта, Султонхон, Ҳамза, Анда ва Шерали полвонлар олган совринлар орасида ҳатто енгил машиналар бор.**

**Донғи узоқ-узоқ юртларга кетган Жиззах от заводида йилқичиликни ривожлантириш борасида давр ва замон муаммоларини ҳал қилиш пайти келди. Шу боис, вилоятда от спорти ҳудудий федерацияси ташкил этилиб, унинг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари улоқ ва от спорти ҳудудий федерациясининг раиси этиб, вилоят ҳокими Убайдулла Яманқуловни сайлади. Энди бу миллий ўйинимизнинг довруғи жаҳон айвонига чиқиши ҳеч гап эмас. Халқаро мусобақалар ўтказилиши муқаррар.**

■ **Л.МАМАСОЛИЕВ**

## «ОҚ ОЛТИН» ОЙНАИ ЖАҲОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 2001 ЙИЛ 9 ДЕКАБРДАГИ 1-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

**1 ТУР**
56
11
5
34
43
Сони: 2
Чипталар рақами
49187
52365
«ELITA» салонининг 125000 сўмлик тилла буюмлари

**2 ТУР**
67
22
72
40
85
38
3
12
59
9
33
21
17
45
77
Сони: 1
чипта рақами
12878
500000 сўмлик тилла буюмлар

**3 ТУР**
71
41
24
73
35
66
57
69
30
70
36
Сони: 1
чипта рақами
59749
750000 сўмлик тилла буюмлар

**4 ТУР**
39
27
74
2
13
78
18
51
61
23
47
50
62
20
Сони: 1
чипта рақами
12862
1000000 сўмлик тилла буюмлар

**5 ТУР**
19
83
31
49
7
76
6
68
Сони: 1
чипта рақами
79996
«MATIZ» автомобили

**6 ТУР**
79
89
86
14
15
80
60
63
65
Сони: 1
чипта рақами
10003
«NEXIA» автомобили

**7 ТУР**
88
25
44
55
52
4
48
Сони: 2
11000 сўм

**8 ТУР**
10
Сони: 5
10000 сўм

**9 ТУР**
64
Сони: 6
9000 сўм

**10 ТУР**
87
Сони: 15
8000 сўм

**11 ТУР**
28
Сони: 31
7000 сўм

**12 ТУР**
32
Сони: 41
6000 сўм

**13 ТУР**
1
Сони: 170
5000 сўм

**14 ТУР**
29
Сони: 195
4000 сўм

**15 ТУР**
84
Сони: 261
3000 сўм

**16 ТУР**
37
Сони: 374
2000 сўм

**17 ТУР**
58
Сони: 844
1000 сўм

**18 ТУР**
54
Сони: 911
900 сўм

**19 ТУР**
53
Сони: 1320
800 сўм

**20 ТУР**
75
Сони: 1588
700сўм

**21 ТУР**
46
Сони: 2447
600 сўм

**22 ТУР**
90
Сони: 5047
500 сўм

**Халтадан чиқмаган шарлар: 8,16, 26, 42, 81, 82**

XORIJDA

ХРОНИКА

# БИН ЛОДИНГА ҚАРШИ ЖАНГЛАР

*Айни пайтда Афғонистон бўйлаб жанговар ҳаракатлар фақат бир нуқтада — Усама бин Лодин яширинганлиги тахмин қилинаётган Тора-Борада давом этмоқда, холос. Бирмунча олдин Қандаҳорда аксилтолиб кучларнинг ўзаро тортишувлари жанговар ҳаракатгача етгани ҳақида хабарлар мавжуд эди. Бироқ, бироз ўтиб бу кучлар ўзаро музокарага келишди. Ушбу гуруҳлар орасида Қандаҳорнинг собиқ ҳокими ҳам бор эди.*

*Тора-Борадаги тинимсиз ҳаво зарбаларидан сўнг толиблар ва «Ал-Қаида» гуруҳи ушбу истеҳкомларни тарк этишган. Ҳозирда ерости иншооти аксилтолиб кучлар ихтиёрида деган хабарлар бор. Якшанба куни Бирлашган фронт кучлари командири Моҳаммад Амин Reuters агентлиги мухбирига Тора-Бора яқинидаги жангларда гуруҳни шахсан бин Лодиннинг ўзи бошқаргани ҳақида маълумот берган. Телефон орқали қилинган суҳбатда, хусусан, «Усама бин Лодин ўзининг 1000 кишилик гуруҳи билан Тора-Бора истеҳкомларининг ҳимояси учун Бирлашган фронт кучлари билан жангга киришди. Улар орасида толибларнинг нуфузли раҳбарлари ҳам бор» дейилади. Ушбу маълумотга кўра, ҳозир жанглар бин Лодин ва Бирлашган фронт ўртасида истеҳком яқинидаги ўрмонларда бўлиб ўтмоқда. Маълумотга кўра, ерости иншоотлари учун эса ҳозирда ҳеч қандай жанглар олиб борилмаяпти, у ерда жангарилар қолмаган.*

*Хуллас, Афғонистондаги жанглар ниҳоясига етиб қолди, толиблар ҳукумат сифатида ўз кучини йўқотди. Бироқ, бу ҳали толибларнинг барча аъзолари ўз фаолиятларини йўқотишди degани эмас. Толибларнинг ҳозирда Покистонда бўлган нуфузли раҳбарларидан бир нечтаси, расман ўз ҳукуматларини инкор этишиб, янги партия тузишгани ҳақида баёнот беришган. Ушбу нуфузли раҳбарлар орасида толибларнинг таълим вазири ўринбосари, Олий суд раисининг ўринбосари ва яна нуфузли дипломатлар борлиги ҳақида маълумот берилади. Уларнинг баёнотида бу борада ҳозирги муваққат ҳукумат бош вазири Ҳамид Қарзий билан музокара бўлиб ўтгани ҳақидаги таъкид ҳам бор. Янги партияга «Худомул Фуркан Жамият» номи берилган.*

*Шунингдек, муваққат ҳукуматни рад этган генерал Дўстум эндиликда муваққат ҳукумат билан ишлашга розилик билдирган. Бу маълумот АҚШ давлат котиби Колин Пауэллнинг Москвадаги сафари чоғида делегация аъзоларининг бири томонидан эътироф этилганини ИТАР-ТАСС келтириб ўтади.*

## СОБИҚ ПОДШОҲ ВАТАНИГА ҚАЙТАДИ

Афғонистоннинг собиқ подшоҳи Муҳаммад Зоҳиршоҳ келаси йилнинг март ойида ватанига қайтишни режалаштирмоқда. У Римда БМТ Бош котибининг Афғонистондаги вакили Лахдар Брахими билан учрашиб, шуни маълум қилди.

## ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИГА ҚАРШИ

Буюк Британияда оммавий қирғин қуролларидан фойдаланмаслик мавзуида халқаро анжуман бошланди. Тадбирда АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Канада, Россия ва Европа давлатларидан вакиллар қатнашмоқда. Анжуман иштирокчилари тўрт кун давомида оммавий қирғин қуролларидан фойдаланмаслик, уларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш бўйича қабул қилинган халқаро ҳужжатлар ижроси билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади.

# ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

ЎзДЖТУда «Терроризм — тинчликка таҳдид» мавзуида йиғилиш ўтказилди. Йиғилишни маънавият ишлари бўйича ректор муовини Д. Бобожонова кириш сўзи билан очар экан, терроризм бугунги кунда бутун дунёнинг глобал муаммосига айланиб бораётганини, энг ачинарлиси, улар орасида ёшлар борлигини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг Президентимизнинг «Тинчлик учун курашмоқ керак» номли рисоласи йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди.

■ **Шерзод АБДУСАМАДОВ**





## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 2002 ЙИЛ 11, 25 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

***САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:***

**1. Тошкент шаҳар, Ж.Обидов кўчаси, 151-уйда жойлашган «Сувсоз» трестининг таъмирлаш қурилиш бошқармасига қарашли мол-мулклари:**

— «NOKIA-239» русумли телефон,
**бошланғич нархи — 246 590 сўм.**
— «Панасоник» русумли телефон,
**бошланғич нархи — 41 050 сўм.**
— «Пентиум-200» русумли компьютер,
**бошланғич нархи — 318 850 сўм.**
— «HP Desk Jet-400» русумли принтер (струйный),
**бошланғич нархи — 128 200 сўм.**
— «IBM-486» русумли компьютер «Epson» русумли принтер билан бирга,
**бошланғич нархи — 208 670 сўм.**
— Мусиқий марказ,
**бошланғич нархи — 246 400 сўм.**
— 3 хил мажлислар столи,
**бошланғич нархи — 37 600 сўм.**
— 1-2 хил мажлислар столи,
**бошланғич нархи — 37 600 сўм.**
— «Ю» кабинет тўплами,
**бошланғич нархи — 145 340 сўм.**
— Юмшоқ мебель (бурчак),
**бошланғич нархи — 49 180 сўм.**
— «БК-15000» русумли 10 та кондиционер, ҳар бирининг
**бошланғич нархи — 14 800 сўм.**
— «Помир» русумли музлатгич,
**бошланғич нархи — 23 500 сўм.**
— «Самарқанд» русумли 2 та музлатгич,
**бошланғич нархи — 18 500 сўм.**
— «Орск» русумли 2 та музлатгич, ҳар бирининг
**бошланғич нархи — 23 500 сўм.**

**2. Тошкент шаҳар, Буюк ипак йўли кўчаси, 75-уйда жойлашган «Узпроммашимпекс» ДАТСКга қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари:**

— «ГАЗ-3102», 1997 йилда и/ч, давлат белгиси 10 АЕ 182.
**Бошланғич нархи — 2 505 983 сўм.**
— «ГАЗ-3102», 1997 йилда и/ч, давлат белгиси 10 АЕ 928.
**Бошланғич нархи — 2 600 573 сўм.**
— «ГАЗ-3102», 1997 йилда и/ч, давлат белгиси 10 АЕ 932.
**Бошланғич нархи — 2 600 549 сўм.**
— «ГАЗ-3102», 1996 йилда и/ч, давлат белгиси 10 АЕ 939.
**Бошланғич нархи — 2 175 004 сўм.**
— «ГАЗ-3102», 1997 йилда и/ч, давлат белгиси 10 АЕ 486.
**Бошланғич нархи — 2 647 831 сўм.**
— «ГАЗ-3102», 1997 йилда и/ч, давлат белгиси 10 АА 487.
**Бошланғич нархи — 2 505 983 сўм.**
— «ГАЗ-3102», 1996 йилда и/ч, давлат белгиси 10 АЕ 935.
**Бошланғич нархи — 1 457 253 сўм.**

**Савдолар соат 10.00да бошланади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати.**
**Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.**

